



39

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy  
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «13» октябрь

№ 2660-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Иштихон шаҳар Наврӯз кўчаси худудидан туман ҳокимлиги раҳбарлари учун 4 та 2 қаватли кўшиб қуриладиган 8 хонадонли уй-жойлар қурилиши учун "Qishloq Qurilish Invest" ихтисослашган шубба инжиниринг компаниясига ер майдони ажратиш тўғрисида

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 03/2-1576-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 октябрдаги 05-05/1-2-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ Иштихон тумани ҳокимлиги раҳбарлари учун 4 та 2 қаватли кўшиб қуриладиган 8 хонадонли турар-жой бинолари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида"ги топширигининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 03/2-1576-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 октябрдаги 05-05/1-2-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ Иштихон туман ҳокимлиги раҳбарлари учун 4 та 2 қаватли кўшиб қуриладиган 8 хонадонли уй-жой бинолари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида"ги топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ер танлаш комиссиясининг 2016 йил 13-октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. Иштихон шаҳри Наврӯз кўчаси худудидан туман ҳокимлиги раҳбарлари учун 4 та 2 қаватли кўшиб қуриладиган 8 хонадонли уй-жой бинолари қурилиши учун "Qishloq Qurilish Invest" ихтисослашган шубба инжиниринг компаниясига Иштихон шаҳри Наврӯз кўчаси худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира ер фонди ер ҳисобидан 4 та 2 қаватли кўшиб қуриладиган 8 хонадонли уй-жойлар қурилиши учун ҳар бирига 0.04 га миқдорда 0.32 гектар йўллар ва инфратузилма объектлари қуриш учун 0.08 гектар жами 0.40 гектар ер майдони вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

4. Қурилиш ишлари вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтказган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман ер ҳисоботида тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

6. Туман бош архитектори (И.Азимов)га намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилаётган хусусий уй-жойларни бош режа ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилиши бўйича қатъий назорат ўрнатишни таъминласин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов